

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
*ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ*

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 338+558:35.8

МАҲАМАТОВА МАФТУНА ШУКРУЛЛО ҚИЗИ

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
СУҒУРТАВИЙ ҲИМОЯЛАШ МЕХАНИЗМИ

70310102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:  
доцент А.А.Ядгаров


Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

2 сонли баённома « 25 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар:

А.Ядгаров



16.05

ИМЗО

сана

Магистр:

М.Махаматова



16.05.

ИМЗО


сана

Диссертация иши Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “17” 05  
№ 2/04 раками билан рўйхатга олинган.

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов



“3” май 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “17” 05 соат 10<sup>00</sup> да Тошкент давлат

иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

## Аннотация

Глобал исиш иқлим ўзгаришларига ҳам ўз таъсирини ўтказмайди деб қафолат бериш кийин. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва юмшатиш, иқлим ўзгариши талофатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Иқлимнинг глобал миқёсда ўзгариши жаҳон қишлоқ хўжалиги, яъни, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ (озиқ-овқат етишмаслиги, очлик, камбағаллик ва қашшоқлик, туйиб овқат емаслик) каби глобал муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида юзага келадиган турли стихияли ва техноген ҳодисалар (хаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик, дўл, кучли шамол, каттик ва курук совуқ, ёгингарчилик миқдорининг кескин тушиб кетиши, турли ёнғинлар, турли зараркунда ва ҳашоратларнинг босиши, биологик касалликлар ва турли эпидемиологик ҳолатлар) сифатида келтириб ўтиш жоиздир.

Кутилмаган табиий ва техноген ҳодисалар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг экинлари ёки чорвачилик фаолияти билан боғлиқ молиявий йўқотишларни суғурта шартномасига мувофиқ кўрилган зарар миқдоридан келиб чиқиб қисман ёки тўлиқ қопланишни қафолатлашда агросуғуртанинг ўрни бекиёс.

Магистрлик диссертация ишида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилди: иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида суғуртавий ҳимоялаш механизмини жорий қилишнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти илмий ва услубий асослари, “Ўзгаросуғурта” АЖ фаолияти тавсифи ва кўрсаткичлари таҳлили, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида рискларни камайтириш орқали ривожлантириш истиқболлари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини суғурталаш фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

**Калит сўзлар:** Глобал исиш, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, рисклар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, табиий ва техноген ҳодисалар, агросуғурта, суғурта шартномаси, суғурта муқофоти, суғурта товони.

## Abstract

It is difficult to guarantee that global warming will not also affect climate change. Development of measures to prevent and mitigate climate change and eliminate climate change damages is one of the urgent issues today.

Global climate change is likely to cause global problems related to world agriculture, that is, food security (food shortages, hunger, poverty and malnutrition). Also, various natural and man-made events that occur during the cultivation of agricultural products (increased air temperature, drought, hail, strong wind, severe and dry cold, sharp drop in precipitation, various fires, pressure of various pests and insects, biological diseases and various it is permissible to cite as epidemiological situations).

The role of agro-insurance is incomparable in guaranteeing partial or full compensation of financial losses related to the crops or livestock activities of agricultural producers due to unexpected natural and man-made events based on the amount of damage incurred in accordance with the insurance contract. The following main issues were resolved in the Master's thesis: the scientific and methodological basis of the social and economic significance of the introduction of the insurance protection mechanism in the activities of agricultural enterprises in the conditions of climate change, the description and indicators of the activity of "Uzgarosugurta" JSC, the prospects for development by reducing risks in the activities of agricultural enterprises were studied. . The practical application of the scientific proposals and practical recommendations developed in the course of research will help to develop agricultural insurance in the context of climate change.

**Key words:** Global warming, climate change, food safety, risks, agricultural enterprises, natural and man-made events, agro-insurance, insurance contract, insurance premium, insurance compensation.



## МУНДАРИЖА

<b>I БОБ.</b>	<b>КИРИШ.....</b>	<b>8</b>
1.1.	Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	8
1.2.	Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	10
1.3.	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
1.4.	Тадқиқот объекти ва предмети.....	11
1.5.	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти....	11
1.6.	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
<b>II БОБ.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....</b>	<b>13</b>
2.1.	Адабий манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	13
2.2.	Тадқиқот гипотезаси.....	18
<b>III БОБ.</b>	<b>ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....</b>	<b>27</b>
3.1.	Маълумотлар манбалари.....	27
3.2.	Тадқиқот дизайни.....	27
3.3.	Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	28
3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	28
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими..	29
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	30
<b>IV БОБ.</b>	<b>ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....</b>	<b>31</b>
4.1.	Мамлакат суғурта бозори фаолияти ва унинг молиявий кўрсаткичлари таҳлили.....	31
4.2.	“Ўзгаросуғурта” АЖ фаолияти тавсифи ва кўрсаткичлари таҳлили.....	43
4.3.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида хавфларни камайтириш орқали ривожлантириш истикболлари.....	57
4.4.	Иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини суғурталашда хорижий тажрибалар ва ундан фойдаланиш истикболлари.....	65
<b>V БОБ.</b>	<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....</b>	<b>75</b>
5.1.	Тадқиқотнинг асосий илмий - амалий янгилigi ва натижалари....	75
5.2.	Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар....	76
5.3.	Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	77
	<b>ҲОҶДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>79</b>



## I БОБ. КИРИШ

### 1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида берилган “30-максад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш оркали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” га қаратилган талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан кўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш масалалари белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Жаҳон давлатларини ташвишга солаётган глобал хавф-хатарлардан бири бу дунё микёсида харорат кўрсаткичининг ўсиб бориш тенденциясини амалда кўрсатмоқда. Тахминларга кўра, харорат кўрсаткичи 2050 йилга келиб 1,5-2°C гача кўтарилишини тахмин қилиш мумкин. Иқлим ўзгаришларини об-ҳаво билан боғлиқ табиий офатларга аниқ таъсирининг миқдорий баҳосини бериш мушкул, бироқ, иқлим ўзгариши глобал макроиқтисодиёт учун тизимли хавф-хатар эканлиги ҳақиқатга яқин.

Бугунги кунда глобал исиш иқлим ўзгаришларига ҳам ўз таъсирини ўтказмайди деб қафолат бериш қийин. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва юмшатиш, иқлим ўзгариши талофатларини бартараф этиш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Иқлимнинг глобал миқёсида ўзгариши жаҳон қишлоқ хўжалиги, яъни, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ (озиқ-овқат етишмаслиги, очлик, камбағаллик ва қашшоқлик, туйиб овқат емаслик) каби глобал муаммоларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида юзага келадиган турли стихияли ва техноген ҳодисалар (ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик, дўл,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841063>.